

**“Ўзбекистнон ипотекани қайта
молиялаштириш компанияси”
Акциядорлик жамиятининг 2020 йил 03
августдаги Кузатув кенгаши қарори
билин**

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“ЎЗБЕКИСТНОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТҮФРИСИДАГИ НИЗОМИ**

ТОШКЕНТ-2020й

МУНДАРИЖА:

I.	Умумий қоидалар.....	3
II.	Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари.....	3
III.	Қонун хужжатларига мувофиқ ошкор қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхати, уларни ошкор қилиш муддатлари ва тартиби.....	4
IV.	Кўшимча маълумотлар рўйхати ва уларни ошкор қилиш тартиби.....	5
V.	Жамият бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ва манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашиб тартиби.....	6
VI.	Жамиятнинг ахборот сиёсатига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар.....	6
VII.	Якуний қоидалар.....	6

I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунларига, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сонли ва 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш аҳволини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 355-сон қарорларига, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) ҳамда Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишиданинг 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом ошкор қилиниши шарт бўлган ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини белгилайди, шунингдек уларнинг “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти (қўйида матн бўйича – “Жамият”) томонидан тақдим қилиниш тартиби ва муддатларини тартибга солади.

2. Ахборот сиёсатининг мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахслар (қўйида матн бўйича – “манфаатдор шахслар”)нинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида асосли маълумотлар олиш бўйича ахборот эҳтиёжларини қондириш орқали Жамият фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашдан иборат.

3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг улар томонидан инвестиция ва бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун муҳим хисобланган Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида асосли маълумотлар олиш ҳуқуқларини тўлиқ реализация қилишга, шунингдек Жамият тўғрисидаги маҳфий ахборотни ҳимоя қилишга йўналтирилган.

4. Ахборотни тижорат сири таркиби киритиш тартиби, бундай ахборотдан фойдаланиш шарт-шароитлари Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

II.АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

5. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари ахборот ресурсларининг мунтазамлиги, тезкорлиги, фойдаланиш имконияти, тўлиқлиги, тенг ҳуқуқлилиги, мувозанатлилиги, ҳимоя қилинганлигидан иборат.

6. Мунтазамлик тамойили Жамият томонидан доимий асосда манфаатдор шахсларга Жамият тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилишга йўналтирилган.

7. Тезкорлик тамойили Жамият томонидан манфаатдор шахсларнинг Жамият молия-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи, шунингдек уларнинг манфаатларига дахлдор жиддий воқеа-ҳодисалар тўғрисида қисқа муддатларда хабардор қилинишини англатади.

8. Ахборотдан фойдаланиш имконияти тамойили остида Жамият томонидан ўз фаолияти тўғрисида манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинадиган ахборотдан эркин, осон ва энг кам харажатли фойдаланишларини таъминлайдиган ахборотни тарқатиш каналлари ва усулларидан фойдаланиш тушунилади.

9. Тўлиқлик тамойили Жамият томонидан барча манфаатдор шахсларга ҳақиқатга тўғри келадиган, бунда уларда Жамият тўғрисида, Жамият фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини берадиган ҳажмда ўз фаолияти

тўғрисидаги салбий маълумотларни ошкор қилишдан бош тортмаган ҳолда ахборот тақдим қилинишини англатади.

10. Тенг хуқуқлилик тамойили Жамият томонидан барча манфаатдор шахслар учун Жамият фаолияти тўғрисида ахборот олиш ва ундан фойдаланиш тенг хуқуқлари таъминланишини англатади.

11. Мувозанатлилик тамойили Жамиятнинг ошкоралиги ва унинг тижорат манфаатлари таъминланиши ўртасида оқилона мувозанатга риоя қилинишини назарда тутади. Бунда қуйидагилар мажбурий шартлар ҳисобланади:

- махфий ахборотни ҳимоя қилиш;

• қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган инсайдерлик ахборотини тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш.

12. Ҳимоя қилинганлик тамойили тижорат сирини ёки махфий ахборот ҳисобланган бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатлари билан рухсат берилган усувлари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутади.

III. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ОШКОР ҚИЛИНИШИ ШАРТ БЎЛГАН МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ, УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

13. Жамият ошкор қилиниши шарт бўлган ахборотни Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 02 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон ва 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш аҳволини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 355-сон қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усувларда ошкор қиласди.

14. Ахборотнинг мажбурий ошкор қилиниши қуйидаги тарзда амалга оширилади:

- Ягона корпоратив ахборот порталида (қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида);
- фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz);
- Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;
- оммавий ахборот воситаларида.

15. Қимматли қоғозлар бозорини назорат қилиш бўйича ваколатли давлат органи ёки фонд биржасининг расмий веб-сайтида мажбурий ошкор қилинадиган ахборотни ўз ичига олган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

- қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти (қимматли қоғозлар очик жойлаштирилганда);
- Жамиятнинг йиллик, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган ҳисоботи;
- Жамиятнинг йилнинг биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўққиз ойлик якунлари бўйича ҳисоботи;
- Жамият фаолиятидаги муҳим фактлар тўғрисидаги хабарлар.

Жамият юқорида қайд этилган ахборотни Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим қилиш ва эълон қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) билан белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қиласди.

16. Жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржадаги баҳоланиш варағига киритилган ва (ёки) баҳоланиш варағида мавжуд бўлган ҳолда, Жамият барча керакли ахборотни Биржа бюллетени тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ошкор қиласди.

17. Жамият ўзининг расмий веб-сайтига эга бўлиб (www.uzmrc.uz), Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон Қарори билан белгиланган рўйхатдаги ахборотнинг ошкор қилинишини таъминлайди.

18. Оммавий ахборот воситаларида қўйидаги ахборот мажбурий ошкор қилинади:

- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар;
- Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили) ва электрон почта манзиллари ўзгаришлари тўғрисида билдириш;

• Жамиятнинг имтиёзли хукуқقا эга акциядорларига акцияларни ёки акцияга айирбошланадиган эмиссия қимматли қоғозларини харид қилиш таклифи;

• Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ахборот;

• Жамият тугатилиши тўғрисидаги, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабномалар бериш тартиби ва муддати тўғрисидаги ахборот.

IV. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ ВА УЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

19. Жамият ўз расмий веб-сайтининг манфаатдор шахслар учун қулай инглиз, рус ва бошқа тиллардаги версияларини ташкил қилиш, уларда давлат тилидаги мавжуд барча ахборотни тааллуқли тилга таржимаси билан бирга жойлаштириш орқали ўз расмий веб-сайти такомиллаштирилишини таъминлайди.

20. Жамият ўз расмий веб-сайтида қўйидаги қўшимча ахборотни ошкор қиласди:

• Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш ва унга риоя қилиш тўғрисидаги маълумот;

• Жамиятнинг Ижроия органи тўғрисида маълумот, шу жумладан мазкур Жамиятда ишлаш муддати;

• Жамиятнинг Ижроия органи фаолияти ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижалари;

• Жамият акцияларининг 20 фоизидан кўпроғига эгалик қилувчи акциядорлар тўғрисида маълумотлар;

• таклиф қилинаётган соф фойда тақсимланиши, дивидендлар миқдори асосланиши, уларнинг Жамиятда қабул қилинган дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек зарур ҳолларда, соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтириш ҳажмларини изоҳлаш ва иқтисодий жиҳатдан асослаш тўғрисида маълумотлар;

• Жамиятнинг кутилаётган соф фойда қайд этиладиган инвестиция лойиҳалари шаклида реализация қилинадиган кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техникавий қайта жиҳозлашни амалга ошириш бўйича режалари;

• мавжуд бўлган тақдирда, акциялар котировкаси бўйича маълумотлар, шунингдек фундаментал ва техник таҳлил натижалари, мутахассислар, эксперталар ва консультантларнинг изоҳлари ва прогнозлари;

• мавжуд бўлган тақдирда, Жамият бизнеси турлари бўйича капитал қиймати ва Жамият капиталининг ўртача белгиланган қиймат миқдори, ушбу кўрсаткичлар миқдорларининг асосланиши;

• ҳомийлик ёки беғараз ёрдам тўғрисида қарорлар қабул қилиш ва ушбу ёрдамларни кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартлари, шунингдек амалда кўрсатилган (олинган) ҳомийлик ёки беғараз ёрдам тўғрисида маълумотлар.

21. Кузатув кенгаши ва Ижроия органини мукофотлаш ва компенсация қилиш бадаллари миқдори тўғрисидаги маълумотлар акциядорлар умумий йиғилишида ошкор қилинади ва акциядорлар умумий йиғилиши баённомасига киритилади.

22. Жамият ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатлари билан ахборотни ошкор қилиш учун назарда тутилган бошқа манбаларда ҳам ошкор қилинишини таъминлайди.

V.ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИ ВА МАНФААТДОР ШАХСЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ

23. Жамият Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ва манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашинуви учун Жамият ахборот алмашинувини амалга ошириш учун масъул ходимни тайинлайди.

24. Манфаатдор шахсларнинг мазкур Низомда назарда тутилган ахборотни тақдим қилиш тўғрисидаги ёзма (электрон) талабномаси бўйича Жамиятнинг масъул ходими, агар қонун ҳужжатларида бошқача муддат белгиланмаган бўлса, бир ҳафта ичида барча зарур ахборотни электрон кўринишда тақдим қиласди.

25. Ҳужжатлар нусхаларини тақдим қилиш зарур ҳолларда, манфаатдор шахс ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш харажатлари қийматидан юқори бўлмаган миқдорда тўловни ва ҳужжатларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлар тўловини амалга оширади.

26. Акциядорлар Жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги тижорат ёки бошқа қонун билан ҳимоя қилинадиган сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

VI.ЖАМИЯТНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР

27. Оммавий ахборот воситаларида мазкур Низом билан назарда тутилган ахборотни ва Жамият тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш учун Жамиятнинг корпоратив котиби (мавжуд бўлган ҳолда) ёки Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси масъул ходими, бухгалтер, шунингдек бундай ваколатлар берилган шахс жавобгар ҳисобланади.

Ижроия органи раҳбари ва унинг ўринbosарларидан ташқари бошқа шахслар Жамият номидан чиқиши қилиш ҳуқуқига эга эмас.

28. Ахборотнинг тўлиқ, асосли ва ўз вақтида ошкор қилиниши учун Жамиятнинг Ижроия органи раҳбари жавобгар бўлади.

29. Йилнинг ҳар чорагида Жамият Кузатув кенгashi мазкур Низом талаблари бажарилиш жараёни тўғрисида Жамият Ижроия органи ҳисботини тинглайди.

VII.ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

30. Мазкур Низомга мувофиқ ошкор қилинадиган ахборотнинг ташкил қилиниши, ҳолати ва асослилиги учун Жамият Ижроия органи жавобгар бўлади.

Ахборотни ўз вақтида, сифатли, асосли ва тўлиқ ошкор қилиниши Ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий тамойилларидан бири ҳамда унга мукофот пуллари (бонуслар) тўлаш шарти ҳисобланади.

31. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

32. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгashi томонидан йиғилишда қатнашаётган ёки сиртқи овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

33. Мазкур Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарори бўйича киритилади.

34. Мазкур Низомнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу қоидалар ўз қонуний кучини йўқотади ва ушбу қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан, мазкур Низомга тегишли ўзгартишлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрларига ва/ёки Жамият Уставига амал қилиниши керак.